

---

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси масканларни обод этмоқда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт, бута ва гул кўчатларини экиш бўйича Ўзбекистон туманида кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яшил майдонларни кенгайтириш йўлидаги эзгу ҳаракатга туман йўлсозлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Хусусан, соҳа вакиллари умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари четларини обод этиб, дарахт экишда фаол кўрсатяпти.

Туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси ташаббускорлари томонидан ташкил этилган бугунги кўкаламзорлаштириш акциясида ҳам минг тупдан зиёд манзарали ва терак кўчатлари экилди.

Ободлик тадбирида иштирок этган туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев яшил ҳудудларни барпо этиш билан бир қаторда, дарахтларни мунтазам парваришlashга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўхталди.

2024-11-29 17:27:52